

Раҳмли бўлиш шифо топишнинг энг осон йўлидир (биринчи мақола)



17:00 / 04.12.2020 1376

Вақти-вақти билан ғарб олимлари тажрибалардан сўнг хулоса ва натижаларни эълон қилмоқдалар. Кейин улар одамларга ўша натижаларни ҳаётга татбиқ этиш зарурлигини таъкидлаб, уларга амал қилиш инсонларнинг бахтиёр яшашига сабаб бўлишини айтадилар. Қизиғи шундаки, биз улар қўлга киритган фойдали кашфиётни кўздан кечирсак, Ислом дини ўн тўрт аср олдин ўша масала хусусида сўз юритганини кўрамиз.

Бугунги кунда ғарблик олимларнинг ғарбда ҳаддан ташқари моддийликка берилиш оқибатида меҳр, раҳм-шафқат, муҳаббат туйғулари, тушунчалари унутилаёзгандан сўнгги тадқиқотларида инсоннинг бахтли бўлишида раҳм-шафқатнинг аҳамияти катта эканини, раҳмдилликни болаликдан ўрганиш кераклигини, одамлар фарзандларига раҳмли бўлишни ўргатишлари лозимлигини кашф этдилар. Хўш, мазкур тадқиқот билан боғлиқ ҳодисалар қачон бошлаган эди?

2008 йилнинг бошида тадқиқотчилар функционал магнит резонанс томография (fmri) орқали инсондаги раҳмдилликнинг унинг иммун тизимига ва мия фаолиятига қандай таъсир қилишини ўргандилар. Ўрганишлар орқали миянинг олд қисмида кучли фаоллик юз бериши аниқланди. Шундан сўнг улар бир неча натижаларни олдилар.

Агар бахтли бўлишни истасанг, бошқаларга ҳам бахтни исташинг керак.

Бу қоидани бугунги олимлар таъкидлашмоқда. Бахтга инсон ўзининг истакларини рўёбга чиқариши билангина эришмаслигини, балки ўзига раво кўрган нарсаларни бошқаларда ҳам бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини аниқладилар. Бошқаларнинг бахтли бўлиши учун интиладиган кишилар фақат ўз бахтини ўйлайдиганларга нисбатан кўпроқ бахтиёр бўлар эканлар.

Шундай қилиб олимлар, инсон умри давомида бахтли бўлиши учун мана бу олтин қоидага амал қилиши кераклигини таъкидламоқдалар. Бу қоида бошқалар учун яхшиликни хоҳлаш. Бир неча одамлардан сўраганларидан сўнг аниқладиларки, бошқаларга яхшиликни истовчи киши бошқалардаги неъмат кетишини истовчи кишидан кўра кўпроқ бахтли бўлар экан.

Улар эришган бу натижани ўқиб ҳайрон бўлмаймиз. Чунки оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан ўн тўрт аср олдин биз умматларини бошқаларга яхшиликни раво кўришга чақириб ўтганлар ва ҳатто бу масала иймоннинг комил бўлиши учун омиллардан деб эълон қилинган.

مَنْ سَوَّاهُ لَعَلَّ لَيْلٍ صَيَّبْنَا نِعْمَةً، وَنَعُهُ لَيْلٍ يَضْرِبُ لَنَا نَبِيَّ سَنَأْنَعُ
الْإِسْمَ خَلَّاهُ أَوْرَ، وَسَفَنَلْ بِيْحِي أَمَّهِي خَلَّ بِيْحِي يَتَحَمُّ كَدْحًا نَمُؤِي آلَ لِق
دُوَادِ أَبَا

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

«Мўмин бўла олмайди» дейилгани комил мўмин бўла олмайди дейилганидир. Субҳаналлоҳ!

Бугун ғарбликлар англаб етган, аммо ҳаётга татбиқ этолмаётган ҳақиқат биз мусулмонларнинг ўн тўрт асрдан бери амал қилиб келаётган ва иймонимиз комил бўлишига сабаб бўладиган ишлардандир. Ушбу набавий қоидага биз кўпроқ амал қилишимиз лозим эмасми?!

Раҳмдиллик миянинг ишлаш тизимини фаоллаштиради

Мазкур татқиқотга эътибор қаратган олимлар одамларга раҳм-шафқатли бўлиш мияга фойдали бўлиб, унинг хужайраларини фаоллаштиради, хужайралар сонига ўзгариш юз беришига сабаб бўлади. Бошқаларга қандай раҳм-шафқат кўрсатишнинг ўзиёқ бир неча касалликлардан тузалишга сабаб бўлишини айтмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга одамларга раҳмли бўлишимизни буюрганлар.

Абу Саъиддан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди», дедилар».

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ لَمْ يَرْحَمْ لَمْ يَرْحَمْهُ»

Жарийр ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Раҳм қилмаган раҳм қилинмайди», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Бошқаларга раҳм қилганингиз, уларни кечирганингиз сари Аллоҳ таоло сизга раҳм қилади, касалликларингизни аритади, Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган ёмонликлардан асрайди.

Раҳмли бўлиш ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва ўша инсоннинг бошқалар билан уйғунлашиб, улфат бўлиб яшашига сабаб бўлади

Кейинги ўтказилган тадқиқот раҳм-шафқатли бўлиш инсондаги иммун тизимининг мустаҳкамланишига сабаб бўлишини таъкидламоқда. Олимлар

рахмли инсоннинг иммунитетни касалликларга қарши курашувчанроқ бўлишини аниқладилар. Бир неча инсонлар устида ўтказилган тажрибалар орқали шу нарса маълум бўлдики, раҳмли, бошқаларга яхшилик истовчи кишининг раҳмли бўлмаганларга нисбатан касалликларга чалиниши камроқ бўлар экан.

Олимлар ўзини бахтлироқ ҳис қиладиган киши бошқаларга раҳмлироқ бўлганидир деяптилар. Шунингдек, ундай инсон касалликлардан узоқроқ, хусусан, юрак билан боғлиқ беморликлардан узоқроқ бўлишини айтяптилар. Чунки кўрсатилаётган раҳм-шафқат ундай кишини бошқалар билан, жамият билан яқинлашишига, улар билан улфат бўлишига, бу эса юрак ишининг бир маромга тушишига сабаб бўлишини билдирияптилар.

Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларига буюрган амал эмасми?!

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ رَحِمَ رَحِمَهُ اللَّهُ، وَمَنْ رَحِمَهُ اللَّهُ أَجْرًا لَهُ أَجْرًا لَهُ».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Раҳм қилувчиларни Раҳман раҳм қилади. Ер аҳлига раҳм қилинг, осмондаги Зот сизга раҳм қилади», дедилар».

Имом Термизий ривояти, саҳиҳ.

(Давоми бор)

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади